

Селфига қизиқиб, риёга ботмайлик!



11:34 / 12.03.2021 3230

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

??? ?????????? ?????????? ?????????? ??? ??????????????

????????????????? ?????????????????? ?????????????????? ??????????????????

????????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????? ??????????????

????????????? ?????????????????? ?????????????? ? ??????????????????

????????????? ?????????????????? ?????????????? ?????????? ??????????????????

??????? ????????????? ????????? ? ????? ??????????????
??????? ???????? ?????????? ?????????? ? ????????????? ???
????????? ????????????? ??????????????????

«Эй иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам, молини одамлар кўриши учун нафақа қилганга ўхшаб, ботил қилманг. У мисоли устини тупроқ босган, сўнгра кучли ёмғир ёғиб, уни сип-силлик қилиб қўйган ясси тошга ўхшайдир. Касб қилган нарсаларидан бирор нарсага қодир бўлмаслар. Ва Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас» (Бақара сураси, 264-оят)

Ижтимоий тармоқларда нимадир иш қилаётганини расмга олиб, жойлаш урф бўлди. Ибодатга алоқадор ҳолатларни ҳам расмга олиб, тармоққа жойланганда, риё аралашиб қолиш хавфи бўлади.

Кўп ишлар селфи қилиняпти.

- Ибодат қилиш,
- овқатланиш,
- соқол қўйиш,
- соқол олиш,
- оиласи билан ўтириш,
- улфатлар билан ўтириш,
- ошхонада ўтириш,
- музқаймоқ ейиш,
- қаҳва ичиш,
- бозорда юриш,
- аэропортда юриш,

- самолётда ўтириш,
- пахта даласида юриш,
- тобут кўтариш,
- қабристонда юриш,
- шифохонага бориш.

Ҳамма нарсангизни селфи қилиб бўлдингизми?

- Кўрдик, анвойи таомлар ебсиз. Қанча инсонлар бир бурда нонга зор.

- Уйингиз ҳашаматли экан. Қанча инсонларнинг ўз уйи йўқ ёки ижара ҳақини тўлолмапти.

- Фарзандларингиз бор ва бир-биридан ширин экан. Қанча инсонлар тирноққа зор.

- Оилангиз тинч-тотув экан. Қанчалаб оилаларда хотиржамлик йўқ.

- Оилангиз ва дўстларингиз билан дам олгани Дубайга, Туркияга, Чимёнга борибсиз. Қанча инсонлар етишмовчилиги, муаммолари ва қарзи кўплигидан уйда кўзига уйқу келмайди.

- Яхши ишингиз бор экан. Қанча одамлар меҳнатга, ишга зор.

- Яхши машинангиз бор экан. Шундай инсонлар борки, автобус, таксига кетадиган пулни тежаш учун совуқ кунларда ҳам велосипедда юради.

Дўстим ва синглим! Уй, фарзанд ва моддий жиҳатдан сиздан ночорроқ бўлган инсонларнинг қалбларини, туйғуларини ҳисобга олинг! Қолаверса, кўз тегиши деган нарсаси бор. Фарзандларимизнинг расмини тармоққа жойлар эканмиз, кўз тегиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кўз тегиши ҳақдир»**, дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Одамларни қойил қолдираман деб, риёга ботиб, амалларимизнинг савобидан маҳрум бўлмайлик!

Ҳамма нарсангизни селфи қилиб, тармоққа жойлайверманг!

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Фойдаланилган манбалар:

Islom.uz

Quran.ksu.edu.sa

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади